



Taqiqot.uz



ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR: DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022

TOMAS ALVA EDISON
(1847-1931)

2022
MART
№38



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00

www.taqiqot.uz

www.conferences.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
3-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-3**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-3**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 38-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 март 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 14 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиши ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишлиланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илгор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохода Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги хузуридаги ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти)

6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулdir.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛANIШЛАР

| | |
|---|----|
| 1. Убайдуллахўжаев Саидазиз Уткурович | |
| ХОРАЗМНИНГ ҚАДИМГИ ДАВРИ, МУДОФААСИ | 7 |
| 2. Ravshanqulov Firdavs Mashraf o'g'li | |
| MUSTAQILLIK YILLARIDA O'ZBEKISTONNING OSIYO MAMLAKATLARI BILAN FAN VA TA'LIM SOHASIDAGI HAMKORLIGI | 9 |
| 3. Зухриддин Болтаевич Жунаев | |
| СОВЕТЛАР ДАВРИДА БХСР ТАРИХИНинг ЎРГАНИЛИШИ..... | 11 |



ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

ХОРАЗМНИНГ ҚАДИМГИ ДАВРИ, МУДОФАСИ

Убайдуллахўжаев Саидазиз Уткурович,
“ТАҚИ” таянч докторанти
Телефон: +998935530911
Said_xadja@mail.ru

АННОТАЦИЯ: Икки дарё оралиғидаги қадимги манзилгоҳлар ва шаҳарларни иҳота қилган мудофаа иншоотларининг ривожланиши ва хусусияти ижтимоий ривожланиш даражасининг муҳим кўрсаткичи бўлиб, қаймги шаҳар цивилизацияларининг долзарб муаммолари қаторидан ўрин олади.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Амударё, Ҳуррийлар мамлакати, ёдгорлик, минтақа, Археологик қазишина.

Қадимиги Хоразм ҳудуди Амударёнинг юқори қисмида жойлашган бўлиб, дастлабки маданиятлардан бири милоддан аввалги IV- III минг йилликлар орасида пайдо бўлган. Уни биринчи бўлиб ўрганган академик С. П. Толстов шакиланиб борувчи маданият деб атади.

Хоразм ўлқасининг номи илк бор милоддан аввалги VIII—VII асрларга оид сақланиб қолган манбаларда учрайди. Хоразм номи турли хил талқинлари мавжуд. С. П. Толстов Хоразм номини «Ҳуррийлар мамлакати» - Хваризам деб таржима қиласди.

Хоразм илк маротаба Доро I нинг Бихистун китобларида (мил. авв. 520 йилга яқин) ва Авестода (Мехр-Яшт) эслатилади. Гекатей Милетскийда ҳам Хоразм ҳақида маълумот бўлиб, у Хоразм парфияликлардан шаркда жойлашган Хорасмия вилоятидаги ягона шаҳар сифатида тилга олади.

Анча вактдан сўнг Қадимги Ўрта Осиё ёдгорликларини археология жиҳатидан ўрганиш XIX аср охирида, бу ҳудуд Россия томонидан босиб олингандан сўнг бошланди. Бироқ бу иш жуда кам натижа берди. Қадимги Ўрта Осиё ёдгорликлари археологик жиҳатдан XX асрда, шунингдек XXI аср бошида чинакам ўрганила бошланди.

Археологик қазишиналарда қадимги Хоразм ҳудудида қадимги балиқчилар ва овчиларнинг неолит даври Келтеминар маданияти мавжудлиги қайд етилган (милоддан аввалги IV - III - минг йилликлар). Бу маданиятнинг бевосита авлоди милоддан аввалги II-минг йилликнинг ўрталарида оид бронза даври, зироатчилик ва зироатчиликнинг Тазабоғёб маданиятидир. Шунингдек, қадимги муаллифларнинг Хоразм аҳолисининг Колхидা халқлари билан Амударё ва Каспий денгизи бўйидаги савдо йўлларида, Марказий Осиё ва Ҳинд, Россия молларининг Кавказ ҳудудларида Еухине Понтус (қора денгизнинг бошқа юонча номи) орқали олиб борадиган алоқалари тўғрисида хабарлари мавжуд. Буни ўрта Осиё Месопотамия ва Кавказдаги қадимий ёдгорликлар қазилмаларида топилган моддий маданият, елементлари ҳам тасдиқлади.

Бу ерда Жанубий Хоразм кўли атрофидаги қабилалар билан дуч келган ва улар билан ўзлаштирилган Суярғон ва кейинчалик Амиробод маданияти кулолчилигидаги Тазабоғёб таъсир белгиларига қараганда Жанубий қабилаларнинг мустамлакачилик ҳаракати Амударёнинг юқори делтаси географиясидаги бу ўзгаришлар оқибатида унинг иккиламчи жойлашиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ушбу қабилалар замонавий Кавказ халқлари (грузинлар, Черкеслар, дагистонликлар ва бошқалар) бўлган Жафетик тиллар тизим халқларининг Шарқий филиалини ташкил етган деб ишониш учун барча асослар мавжуд.

Факат бир нарсани айтиш мумкин: Ўрта Осиё халқларининг яқин Осиё этнографик дунёси билан алоқалари чуқур, Ҳинд-Европа антик даврига бориб тақалади ва Ўрта Осиё қабилаларининг ролини ҳисобга олмаган ҳолда, қадимги яқин Осиёдаги Жафетик халқларнинг келиб чиқиши масаласи ва улар яратган давлатлар деярли тўлиқ ҳал қилинмаганди.



— Бу муносабатлар қандай йўналишда бўлмасин, Хоразм - «Хурросон (Харри) диёри» Хуррият муаммосини бутунлай ҳал етишда еътибордан четда қолмайди.

Бироқ қадимги Марказий Осиё ҳарбий архитектураси тадқиқотларига ҳозирча жуда кам асар бағишиланган. Улар орасида, энг аввало, Ўрта Осиё ва умуман Марказий Осиёнинг қадимги ҳарбий истеҳқомларини турли жиҳатдан кўриб чиқишга маҳсус бағишиланган алоҳида мақолалар, диссертация ишлари ва монографияларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Марказий Осиё ҳудудида мудофаа иншоотларининг юзага келиши ва барпо этилиши бир текис кетмагани маълум. Чунончи, Жанубий Туркманистондаги манзилгоҳлар атрофидаги дастлабки мудофаа деворлари энеолит даврида кўтарилиган.

Суғд ва Хоразм миңтақаларига келганда эса, у ерда манзилгоҳлар ва мудофаа иншоотлари мил. авв. I минг йиллик ўрталаридан маълум бўлди.

Қадимги Хоразм ҳарбий архитектурасининг айрим жиҳатлари бир қатор асарларда ёритилган бўлсада, у маҳсус тадқиқот мавзуси бўлмаганди.

Қадимги Хоразмнинг мил. авв. VI асрдан мил. IV асргача бўлган даврдаги қалъа иншоотлари тавсифланган, уларнинг типологияси ва хронологияси берилган. Қадимги Хоразм ҳарбий архитектураси мактабининг таркиб топиши масалалари ҳамда унинг қадимги Марказий Осиёдаги бошқа тарихий-маданий вилоятларнинг архитектура соҳасидаги анъаналари билан алоқаси кўриб чиқилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. ТОЛСТОВ, 1958-Толстов С.П. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР в 1949-1953 гг. //ТХАЭЭ. Т. 2. М., «Наука».
2. ТОЛСТОВ, 1959-Толстов С.П. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции в 1954-1956 гг. //МХЭ. Выш. 1 М., изд-во АН СССР.
3. ТОЛСТОВ, 1962-Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. М., «Наука».
4. ТОЛСТОВ, 1960-Толстов С.П. Акчадарья. //МХЭ. Выш.3. М.



MUSTAQILLIK YILLARIDA O’ZBEKISTONNING OSIYO MAMLAKATLARI
BILAN FAN VA TA’LIM SOHASIDAGI HAMKORLIGI

Ravshanqulov Firdavs Mashraf o’g’li

Nizomiy nomidagi
Toshkent Davlat Pedagogika Universiteti
Ijtimoiy va gumanitar fanlarni o‘qitish
metodikasi (Tarix) mutaxassisligi
1-kurs magistranti

Annotatsiya: Ushbu maqolada Markaziy Osiyo davlatlarining O’zbekiston bilan ta’lim sohasidagi hamkorliklari va ushbu hamkorlikning O’zbekiston ta’lim sohasidagi samaradorligi haqida so’z yuritiladi.

Kalit so’zlar: Ta’lim, hamkorlik, samaradorlik, ilm, imkoniyat.

Markaziy Osiyoning o’rtasida joylashgan O’zbekiston mustaqillikning ilk kunlaridan fan va ta’lim sohasini rivojlantirishga alovida etibor qaratdi. Bu sohani yakka holda rivojlantirib bo’lmasligini to’g’ri tushungan davlat rahbari qo’shni respublikalar bilan keng hamkorlik aloqalarini yo’lga qo’yishga harakat qildi. Biz bugun ko’p va xo’p ishlatalayotgan Markaziy Osiyo atamasi nisabatan yangi tushuncha bo’lib, mazkur atama birinchi marta taniqli nemis olimi, geograf Aleksandr fon Gumboldt tomonidan 1843-yilda Parijda nashr etilgan uch jildli “Markaziy Osiyo. Tog’ tizmalarini tadqiq qilish va iqlimlarni taqqoslash” asarida qo’llanilgan edi. 1991-yildan keyingi, ya’ni mintaqqa davlatlarining siyosiy mustaqillikni qo’lga kiritganlaridan keyingi davrda ushbu hududni «Markaziy Osiyo» atamasi orqali atash keng tarqala boshladи. Markaziy Osiyo davlatlari rahbarlarining 1993-yilda Olmaota shahrida bo’lib o’tgan uchrashuvida ular mintaqaga nisbatan bundan buyon Markaziy Osiyo atamasini qo’llash to’g’risida kelishib olishdi. Aslini olganda, O’zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Karimov “Bizning ota-bobolarimiz ham, momolarimiz ham bir” deya, haq gapni aytgan edilar

Qozog’iston mustaqillikning ilk kunlaridan boshlab ta’lim sohasida O’zbekiston bilan hamkorlik aloqalari urnatilishiga kirishdi mustaqilligmizning ilk kunlariga borib taqaladi. 1992-yilda ular o’rtasida imzolangan do’stlik va hamkorlik shartnomasining 17-bandida bevosita ta’lim sohasida hamkorlikni yo’lga qo’yish ko’zda tutilgan edi. Bu shartnomaning amaliy ifodasi sifatida o’sha yilning kuzida bir guruh o’zbek olimlari Qozog’istonda bo’lib o’zaro tajriba almashinib qaytishdi. Bu safar davomida ikki davlat olimlari o’rtasida kelajakda ilmiy izlanishlar sohasida birgalikda amalgalashdi.

O’zbekiston Qirg’iziston bilan ta’lim va fan sohasidagi hamkorlik aloqalarining o’rnatalishi ham mustaqililikning ilk kunlariga to’g’ri keladi. Ikki davlat o’rtasida diplomatik aloqalarning yo’lga qo’yilishi o’z navabatida ta’lim va fan sohasidagi aloqa munosabatlар yanada jonlanishiga turki bo’lgan. O’tgan o’ttiz yil davomida ikki davlat o’rtasida fan va ta’lim sohasida o’nga yaqin kelishuvlarga erishilgan. Birgina 1998- yilda bir guruh qirg’iz olimlari ilmiy safar bilan Toshkent, Navoiy va Samarqand viloyatlarida bo’ldilar. Safar davomida qirg’iz olimlari Navoiy kon metalluriya kombinatida ham bo’lib, bu yerda o’z malakalarini ham oshirdi. Qirg’iziston va O’zbekiston olimlari o’rtasida uchrashuvlar XXI asrda ham bo’lib turdi. Xususan 2002-yilda O’zbekistonning bir qancha arxeologlari Qirg’izistonning O’sh va Jalolobod viloyatlarida ilmiy safarda bo’lib qaytishgan. Bu safardan ko’zlangan maqsad mazkur hududlarda qadimgi odam qoldiqlarini topish bo’lgan. O’zbek olimlarining bu ilmiy izlanishlariga qirg’izistonlik tadqiqotchilar ham o’z xissalarini qo’shishgan.

Tojikiston bilan O’zbekistonning fan sohasidagi hamkorlik aloqalari uzoq yillarga borib taqaladi. Lekin, bu aloqalarning davlat miqyosida rivojlanishi mustaqillikdan keyingi yillariga to’g’ri keladi. Ikki davlat olimlarining o’zaro tajriba almashinishi ayniqsa, 1998-yildan keyin samarali bo’lgan. Shu yilning o’zida 50 ga yaqin tojik olimlarining O’zbekistonga kelishi va bu yerdagi qishloq xojaligi, konchilik, qorako’lchilik va boshqa sohadagi yutuqlar bilan tanishib ketishi fan sohasidagi hamkorlikni yangi pog’onaga ko’tardi. O’zbekistonga kelgan tojik olimlariga javob tariqasida bir guruh o’zbekistonlik fan ijodkorlari 1998-yilning 18-20-dekabr kunlari Tojikistonda bo’lib qaytishgan. Bu ilmiy safar davomida o’zbek va tojik olimlari o’zaro tajriba almashishgan.

Turkmaniston va O’zbekiston o’rtasidagi ta’lim va fan sohasidagi hamkorlik aloqalari ham



mustaqillikning ilk yillariga borib taqaladi. 1996-yil 16-yanvarda Chorjoyda Turkmaniston va O’zbekiston o’rtasida “Ta’lim sohasida hamkorlik to’g’risida” bitim imzolandi. Bu bitimning ikkinchi moddasida ahdlashuvchi tomonlarning har biri ikkinchi tomonning fuqarolariga ta’lim olishda o’z fuqarolari bilan teng huquqni va uning erkinligini kafolatlaydi, ona tilida ta’lim olish uchun shartsharoitlar yaratishga ko’maklashadi degan jumlalar keltirilgan.

Shuni alohida aytish kerakki, Prezident Shavkat Mirziyoyev davrida Markaziy Osiyo respubliklari bilan manfaatli aloqalar yangi pallaga kirdi. “Biz o’zaro ishonch va manfaatlarni hisobga olish asosida xorijiy davlatlar, eng avvalo, qo’shni davlatlar, shu bilan birga, xalqaro institutlar bilan yaqindan hamkorlik qilishni bugungi kun talablari darajasida tashkil etamiz”. Markaziy Osiyo – O’zbekiston tashqi siyosatining asosiy ustuvor yo’nalishi hisoblanadi va aynan shu mavzuda 2017-yil avgustda xalqaro anjuman ham bo’lib o’tdi. Unda BMT rezident-koordinatori, BMT Taraqqiyot dasturining mamlakatimizdagi doimiy vakili X.Freyzer O’zbekistonda qabul qilingan 2017-2021-yillarga mo’ljallangan Harakatlar strategiyasi va unga muvofiq qo’shni mamlakatlar bilan aloqalarni mustahkamlash bo‘yicha amalga oshirilayotgan tashqi siyosat kelgusida nafaqat O’zbekistonning, balki butun Markaziy Osiyoning yanada farovonlashuvi va barqaror rivojlanishining kafolati ekanini ta’kidladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Сафоев. М. Марказий Осиёдаги геосиёсат. Тошкент. 2005 й. 11 б.
2. Кушкумбаев С. Центральноазиатская интеграция в контексте истории и geopolитики. www.caapr.kz.04.2002.
3. Q. Usmonov va b. O’zbekiston tarixi. T.: “Sharq” – 2010 у. 76-b.
4. Ш. Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент - «Ўзбекистон» - 2016 27-б.
5. <http://ddsmfa.uz/uz/markaziy-osiyo-ozbekiston-tashqi-siyosatining-asosiy-ustuvor-yonalishi> 2017-yil 12-avgust.



СОВЕТЛАР ДАВРИДА БХСР ТАРИХИННИГ ЎРГАНИЛИШИ

Зухриддин Болтаевич Жунаев

Навоий давлат педагогика институти

таянч докторант

zuhriddinboltayevich77@gmail.com

Анотация. Ушбу мақолада Бухорода амирлик тузумининг ағдарилиши туфайли ташкил этилиб, 1920–1924 йилларда фаолият юритган Бухоро Халқ Совет Республикасининг совет давридаги ўрганилиши масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: БХСР, методологик ёндишув, илмий хусусият, совет режими, жадидчилик ҳаракати, қизил армия, Ёш буҳороликлар партияси, ислоҳот, “буржуа миллатчиси”.

Бухоро Халқ Совет Республикасидаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий муносабатлар тарихи мавзуси ҳозирги пайтгача алоҳида тадқиқот обьекти сифатида ўрганилган эмас. Бу муаммонинг фақат айрим қирралари бошқа масалалар билан умумий алоқадорликда кўриб чиқилган. Мазкур мавзуда ёзилган тарихий адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, уларни методологик ёндашув ва илмий хусусиятга кўра учта асосий гурӯҳ: биринчи гурӯҳ – совет даврида яратилган тадқиқотлар, иккинчи гурӯҳ – Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг ёзилган асарлар ҳамда учинчи гурӯҳ – хорижий тадқиқотларга ажратиш мумкин.

Биринчи гурӯхга хос адабиётларнинг умумий хусусияти шундан иборатки, уларда холислик тамойиллари бузилган, синфий ёндашув устунлик қилган, тарих коммунистик мағкурунинг аввалдан белгиланган ва қотиб қолган маълум бир қолипи асосида ёзилган ҳамда бирламчи манбалар ушбу ғаразли мақсадга хизмат қилдирилган. Бироқ мустабид совет режими давридаги тарихчилар ўз асарлари орқали жуда катта ҳажмдаги ашёвий материалларни илмий муомалага кирийтдиларки, бугунги замонавий тадқиқотларни яратишида бу материалларга танқидий кўз билан нигоҳ ташлаб, уларни қайта баҳолаш ва талқин қилиш муҳим аҳамият касб этади.

XX аср 20-йилларида яратилган Садриддин Айний, Файзулла Хўжаев, П.П. Введенский ва бошқаларнинг тадқиқотлари¹ Бухорода жадидчилик ҳаракати, Ёш буҳороликлар фаолияти, амирлик тузумининг ағдариб ташланиши, БХСРдаги дастлабки ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, Шарқий Бухорода пул муомаласи ўз аксини топган. Хусусан, бу даврда марказий ва маҳаллий журналларда эълон қилинган кўплаб мақолаларда² БХСРдаги ижтимоий ҳаёт ва ислоҳотларнинг айрим жиҳатлари (бозорлар, банклар аҳволи, молия сиёсати, савдо-сотиқ, давлат бюджети ва режаси) кўрсатиб ўтилди. Бу мақолаларнинг муаллифлари орасида Абдулқодир Мухитдинов, Файзулла Хўжаев, Абдураҳим Юсуфзода, Қори Йўлдош Пўлатов, Гайсинский каби БХСР раҳбарлари бўлган.

Маҳаллий тарихчи Муҳаммад Али Балжувонийнинг³ 1923–1927 йилларда ёзилган

1 Айний С. Бухоро инкилоби тарихи учун материаллар. –Москва: “СССР ҳалқлари марказий нашриёти”, 1926; Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре. –Ташкент: 1926; Ўша муаллиф. К истории революции в Бухаре и национального размежевания Средней Азии. –Ташкент: «Ўзбекгосиздат», 1932; Введенский П.П. Денежное обращение в Таджикистане. 1923–1925 г. –Ташкент: «Востказгосиздат», 1926.

2 Шумов С. Бухарский рынок в феврале 1920 г. // «Народное хозяйство Туркестана», 1920, №7-8. –С.13-16; №9-10.–С.28-36; Полевой С. Бухарский рынок в июле 1920 г. // «Народное хозяйство Туркестана», 1920, №13. –С.12-16; Юсуф-Заде. Задачи и преспективы экономического строительства БНСР // «Народное хозяйство Средней Азии», 1924, №1. –С.18-21; Гайдар. Финансово-экономическое состояние Бухарской Республики // «Жизнь национальностей» (Москва), 1923, Кн.5. –С.106-109; Мухетдинов А. По Восточной Бухаре // «Народное хозяйство Средней Азии», 1924, №2-3. –С.64-73; Гайсинский. Экономическое строительство в Бухаре // «Народное хозяйство Средней Азии», 1924, №1. –С.15-18. Кизен И. Торговый аппарат Бухарской Республики // «Народное хозяйство Средней Азии», 1924, №2-3. –С.61-63; Хозяйственный план и бюджет Бухары на 1924-25 год // «Народное хозяйство Средней Азии», 1924, №2-3. –С.207-212; Морозов Б. Итоги обследования Бухары и Хорезма 1924 г. // Бюллетень ЦСУ Узбекистана. №7. июль 1925. –Самарканд, 1925. –С.17-34 ва б.

3 Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи нофей (Фойдали тарих). Тожик тилидан таржима, сўз боши ва



“Тарихи нофейй” (“Фойдали тарих”) асарида XX аср бошларида Бухородаги сиёсий ҳаёт, 1918–1922 йилларда юз берган воқеалар ҳам ўз аксини топган.

XX аср 50–80йилларида яратилган О.Эшонов, А.Аззамхўжаев, Г.Тўхтаметов, М.Вахобов, Б.Искандаров, А.Бобохўжаев, А.Гордиенко, С.Зиманов, Ҳ.Иноятов, И.Алимов, И.Зокиров ва бошқаларнинг тадқиқотларида¹ асосий эътибор Бухорода амирлик тузумининг ағдариб ташланиши, бу ерда ўрнатилган янги ҳокимиятнинг сиёсий фаолияти, миллий мухолифатга қарши курашаётган қизил армиянинг ҳарбий ҳаракатларини кўрсатишга қаратилди.

Бу асарларнинг умумий томони яна шундан иборатки, уларнинг қарийб барчасида (Файзула Хўжаев ва Садриддин Айний асарлари қисман мустасно) Бухородаги жадидчилик ҳаракати, Ёш бухороликлар партияси фаолияти бузиб талқин қилинди. Шунингдек, ушбу асарларда Бухородаги тараққийпарварлик ҳаракатининг етакчилари (улар кейинчалик БХСР раҳбарлари бўлишган)нинг икки тузум: амирлик ва республика тузумлари давридаги мураккаб фаолияти ўзининг холис баҳосини олмади. Файзула Хўжаевдан ташқари деярли барча БХСР ҳукумати арбоблари (Абдулқодир Мухитдинов, Усмон Хўжа, Отаулла Хўжаев, Муинжон Аминов, Фитрат, Абдураҳим Юсуфзода, Порсо Хўжаев, Мухторжон Сайджонов, Қори Йўлдош Пўлатов, Абдулвоҳид Бурҳонов, Мукаммил Бурҳонов ва б.)нинг сиёсий фаолияти ўрганилмади, уларга бир хил равишида “буржуа миллатчиси” тамғаси босилди.

Хулоса қилиб айтганда, БХСР тарихи мавзусида совет даврида яратилган тадқиқотларнинг умумий таҳлили шуни кўрсатадики, бу ишлар бугунги кун талабларига жавоб бера олмайди. Бунинг устига бу асарларда Бухоро Ҳалқ Совет Республикасидаги ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар ва БХСРнинг ташки алоқалари (хусусан, Германия ва Англия каби Ғарб мамлакатлари билан) хусусида амалда ҳеч нарса айтилмаган. Бу эса, миллий мустақиллик шароитида тарихимизга нисбатан янгича методологик ёндошув асосида илмийлик, ҳаққонийлик ва холислик тамойилларига риоя этган ҳолда мавзу доирасида янги-янги тадқиқотларни амалга ошириш заруратини тақазо этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Садриддин Айний. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар // Асарлар. 8 томлик. Т.1.–Т.: “Ўздавадабийнашр”, 1963. –Б.268-271.
2. Файзула Хўжаев. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар (Қайта нашри). –Т.: “Фан”, 1997. –Б.75-80.

изоҳлар муаллифлари: Ш.Воҳидов, З.Чориев. –Тошкент: “Академия”, 2001.

1 Ишанов А.И. Создание Бухарской Народной Советской Республики (1920–1920 гг.). –Ташкент: «Изд. АН УзССР», 1955; Ўша муаллиф. Победа Народной Советской Революции в Бухаре. –Ташкент: «Изд. АН УзССР», 1957; Ўша муаллиф. Бухарская Народная Советская Республика. –Ташкент: «Узбекистан», 1969; Турсунов М.Т. Денежное обращение в Туркестанской АССР в период гражданской войны (1917–1921гг.). –Ташкент, 1950; Бобохўжаев А.Х. Совет давлатини де-факто ва де-юре таниш даврида Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқда инглиз антисовет сиёсатининг барбод бўлиши (1919–1924й.). –Ташкент: “ЎзССР ФА нашриёти”, 1959; Шек Л.К. Победа народной советской революции в Бухаре. –Ташкент: «Госиздат УзССР», 1956; Алиев А. Великий Октябрь и революционирование народов Бухары. –Ташкент: «Госиздат УзССР», 1958; Гордиенко А.А. Создание народно-советского государства и права и их революционно-преобразующая роль в Хорезме и Бухаре. –Ташкент: «Изд. СНГУ», 1959; Вахобов М. Ўзбек социалистик миллати. –Ташкент: Ўзбекистон, 1960; Иркаев М. История гражданской войны в Таджикистане. Душанбе, 1970; Тухтаметов Т.Г. Русско-бухарские отношения в конце XIX начале XX в. Победа Бухарской Народной революции. –Ташкент: «Фан», 1966; Искандаров Б.И. Бухара (1918–1920 гг.). Душанбе: «Дониш», 1970; Аззамходжаев А. Образование и развитие Узбекской ССР. –Ташкент: «Фан», 1971; Ўзбекистон ССР тарихи. 4 томлик. Т. III. (1917–1937 й.). –Ташкент: «Фан», 1971; История Бухарской и Хорезмской Народных Советских Республик –Москва: «Наука», 1971; История Бухары с древнейших времен до наших дней. –Ташкент: «Фан», 1976; Зиманов С. От освободительных идей к советской государственности в Бухаре и Хиве. –Алма-Ата: «Наука», 1976; Алимов И. Аграрные преобразования в Хорезме и Бухаре (1920–1924 гг.). –Ташкент: «Узбекистан», 1970; Ўша муаллиф. Исторический опыт аграрных преобразований в Хорезмской и Бухарской Народных Советских Республик. Автореферат дисс... докт. ист. наук. –Ташкент, 1981; Иноятов Х.Ш. Народы Средней Азии в борьбе против интервентов и внутренней контрреволюции. –Москва: «Мысль», 1984; Зокиров И.Б. Становление и развитие Советского гражданского права в БНСР и ХНСР. –Ташкент: «Фан», 1988 и др.



3. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар) [Матн] Қ. 1. Ўзбекистон 1917-1931 йилларда / масъул мухаррирлар Р.Абдуллаев, М.Рахимов, Қ.Ражабов; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи методик марказ – Тошкент «O‘zbekston» НМИУ, 2019. –Б.100.
4. Ражабов Қ.К. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш: тарих ҳақиқати (1920–1924 йиллар). –Тошкент: “Маънавият”, 2002.
5. Ражабов Қ.К. БХСР собиқ раҳбарларининг 1937 йилда қатағон қилиниши // Ўзбекистонда совет давлатининг қатағон сиёсати: келиб чиқиши сабаблари ва фожиали оқибатлари (Илмий мақолалар тўплами). –Тошкент, 2012. –Б.64-75.
6. Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи нофей (Фойдали тарих). Тожик тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифлари Шодмон Воҳидов, Зоир Чориев. –Т.: “Академия”, 2001. –Б.70-71.

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 3-ҚИСМ

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳих: Файзиев Фарруҳ Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.03.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000